

84-373-63-33

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Хужжат коди: HS4560063315

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA


- 1. Loyiha turini, Xo'jalik shartnomasi
- 2. Loyiha nomi "Hududgaz Navoiy" ta'minot filiali bilan gaz yetkazib berish shartnomasini tuzish to'g'risida
- 3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot Xatirchi tuman Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi 19.01.2022

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Xatirchi tumani Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



I.Fayziyev
19.01.2022-yil



HGT AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

№ 8-22/22

Table with columns for contract details, including dates and amounts.

Навоий 2022 йил

Табийи газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

2022 йил "21" январь 8-22/22-сон

Навоий ш.

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фавқуайди ҳолатда Хатирчи тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Ш.Турсаев бир томондан ҳамда Низом ва 2021 йил "16" ноябрда берилган 02-19-48/8494-сонли ишончнома асосида фавқуайди ҳолатда "Худудга таъминот" АЖ "Худудга Навоий" газтаъминоти филиали (кейинги ўринларда "Етказиб бериш" деб аталади), раҳбари в.б.б Н.С.Гаффаров иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мажмур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Етказиб бериш учун иммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртмаси бўйича табиий газ (кейинларда ўриларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз иммасига ушбу шартноманинг 1.4-бабда кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширадди.
- 1.2. Етказиб бериш учун шартномага ва таъинлаш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицилган эга газ қурилмалари, пушнингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўриларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб берилади.
- 1.3. Истеъмолчи Етказиб беришга таъинланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилган хизмат) нисбатан келтуса йилда газга асосланган эҳтиёжин тасдиқлади.
- 1.4. Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келтуса йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинган газ ҳажми бўйича буюртма берилади.
- 1.5. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 2 271 куб.м, нархи 1 498 860 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | | | | | | | | |
|-----------|-------|-------------|---------|-----|---------|-----|----------|-----|
| I чорак | 2 271 | минг куб.м, | январь | 757 | февраль | 757 | март | 757 |
| II чорак | | минг куб.м, | апрель | | май | | июль | |
| III чорак | | минг куб.м, | июль | | август | | сентябрь | |
| IV чорак | | минг куб.м, | октябрь | | ноябрь | | декабрь | |

Етказиб бериш учун шартномага таъинланган таъинлаш лойиҳасига мувофиқ, газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши ишон чиксиз тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига қайт этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагиларни ташкил қилади:

| | | | | |
|-----------|-------------|--------|----------|---------|
| I чорак | минг куб.м, | январь | февраль | март |
| II чорак | минг куб.м, | апрель | май | июль |
| III чорак | минг куб.м, | август | сентябрь | октябрь |
| IV чорак | минг куб.м, | ноябрь | декабрь | |

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлиган буюртмасини тақсим этмася, Етказиб бериш томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб беришга Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навабдаги ой (чорак) учун

кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат орқали газ миқдори деб ҳисобланмайдди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Санаят ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёқувчи газлар) га мувофиқ тарзлари табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб беришдан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бабларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суғналк меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, пушнингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш делогатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб бериш Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгартирилган тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчининг хабардор қилиши шарт.

Етказиб беришнинг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари: 544-40-47 ёки 104

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами: 544-20-97

2.4. Етказиб бериш Истеъмолчининг газ етказиб бериш кискертрилишига қадар қамда 24 соат аввал бу ҳақда хабардор қилиши шарт, магистрал газ қурулларда юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискертрилиши ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қурулларининг технологик иш режимида бўлиганда, пушнингдек, куз-қиш мавсумида ижтимоий соҳа объектларининг ва аҳоли истеъмолчиларининг бир маромда табиий газ билан таъминлаш максимал Етказиб бериш Истеъмолчининг оғоҳланган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқувчи туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб бериш билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунгазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз иммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқувчи туридан фойдаланиш кўча тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб беришнинг асосанга талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқувчи ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли делогатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиши, уларга хизмат кўрсатиш қамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб беришдан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарига ўрнатилган ёки реконструкция қилинган техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланган Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб беришнинг тўлов рекавизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирига бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимида ягона узлуқсиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газнинг Истеъмолчи ва Етказиб беришнинг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

Ш. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмакдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.
3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланадиган ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланғич хисоблам) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиши нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирдик микдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинди: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандга асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кайнатлари бўйича тузатилади.

Газ микдори "ўзастандарт" агентлигининг метёринг-хукухий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва метёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолни хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатитиш ва ишлатитиш амалдаги қондалар ва метёрларга мувофиқ амалга оширилади керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030.2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", O'z DSt 8.031.2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатитиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавонфлари амалдаги метёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "ўзастандарт" агентлигининг жорий қисёлов кўригидан ўтказилган сертификатли ва ёки метрологик аттестациясизга эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қисёлов кўриқдан ва ёки метрологик аттестациясиздан ўтиш даврини "ўзастандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қисёлов кўриқдан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг тарқибий қисмларини) "ўзастандарт" агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қисёлов кўриги/калибрилаш, торийиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларининг ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатитиш техник ва ёки ишлаб чиқариш шартлари асосида қилинув бўйича ва иккала томоннинг вақитлари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатитиш, уни ишлаб чиқаришнинг талабларига ва амалдаги метёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қисёлов кўриги/калибрилаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатитиш техник ва ёки

ишлаб чиқариш шартлари асосида қилинув бўйича ва иккала томоннинг вақитлари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатитиш, уни ишлаб чиқаришнинг талабларига ва амалдаги метёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вақитли газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексининг эгаси чакрарилади.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборнинг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборнинг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бузишда Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплекслари ва уларнинг тарқибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳужуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонуқчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вақитларининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари илдида таъмирлашнинг ҳолатларига қараб қилинган таъмирлаш O'z DSt 8.064.2017 бўйича газнинг микдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш қуримаси ва ёки ўлчаш комплекси феолиятига руҳсатсиз аралашини ҳолатлари бўлидан мустафо.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, қуйидаги ҳолатларда тамгаланамаган газдан фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмолчи – газни хисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (шоқолуниги байпас линиялари уланишда) охирига хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган қундан аниқланган қунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгаририлганда – охирига хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган қундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилаётганини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир хисоб-китоб даврдан кўп бўлмаган вақтга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қисёлов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – хисобга олиш прибори ечилган қундан "ўзастандарт" агентлигидан қисёловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган қунгача бўлган вақтга;

д) хисобга олиш приборини қисёлов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш мурдлати тузатганда – қисёлов кўригидан метрологик аттестацияга ўтказиш мурдлати тузатган қундан қисёлов кўригидан ёки метрологик аттестацияга ўтказиш учун ечилган қунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирига кўриқ ёки газ таъминоти ташқилоти вақили бориб кўриган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб даврдан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчилик ечиб қўйилганда – охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТШларда асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидаги ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, таъминоти автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб беришнинг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот дaвири учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, шомбаламанган газ жиқозаридадан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) таъминоти ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қўрилмаси ўрнатилган ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланётганлик факти бўйича асосланган ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метёринг-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовнинг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб бериш томонидан етказиб берилган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб бериш "ўзстандарт" агентлиги бўлимларида ўлчов комплекслари ва таъини ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказишни талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишлан чикимдаёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиб қолиши аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб беришга бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлаш графикаси тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб бериш билан биргаликда ўчириб тавмавланишнинг таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб қолиши аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DS: 8.586 та кўра газни аниқлаш тизимлари терметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи маъмур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг томонидан амалдаги қонунийликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камда 5 кун олдин Етказиб беришнинг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даври кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб беришга бидирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоиз миқдорини олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун яқиний ҳисоб-китоб ҳисобот ойнанинг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санагига қадар аввалли ойда истеъмол қилинган газ учун яқиний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Сўрагегич ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойна тугатилган кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун яқиний ҳисоб-китобни амалга оширилади.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аянас тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланган кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчи алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа туташув ва х.б.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажминини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларини ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарз мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобга ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоллашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорини, лекин мuddати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб бериш вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни

ёзиб олиш (ТҲХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қилинган истеъмолчилар билан мустақило) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда қилиш оралиқ аниқланади.

4.13. Шартномаданг 4.12-бандга асосан кўрсаткич олингандан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оғин учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварақ-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қўйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (қўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасига бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кундан кечиктирмадан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оғин учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш вақтида Истеъмолчи билан имзолаш Истеъмолчинини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озоқ қилмайди. Уянгилиги ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан порози бўлган томон далолатномада порозилик сабабларини мажбурий ақс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оғи туғатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вақилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда қўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчилан лебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилгандан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгартирилганда, Етказиб берувчи ҳаққоний ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгартирилганда, мажбурий шартнома ўз ичига қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қўриб олинган сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аниқ тарихасида тўланган ҳажми учун тўлов қилинган бошқиб кўри билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озоқ қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мажбурий шартномаданг 3.17. ва 4.18.-бандга кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйилмиш, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вақилидан томонидан имзоланмаган ва икки нусхада тузилмаган далолатномаси билан расмийлаштирилмади.

5.2. Ушбу шартномаданг 5.1-бандга асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчида, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинмади.

5.3. Бунда мажбурий шартномаданг 5.2-бандга кўрсатирилган ҳолатларда газ ҳажми қийمатининг ундирилиши Истеъмолчинини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озоқ қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қўйидаги ҳолатларнинг мажбурийлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг баргараф этилушига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбурийликлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вақилиданг газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурималарининг зарардан ўтказишига йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қардорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга старли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва «Ўзнефтегазинспекция»нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

-ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг-ишлашига тўқилик қилувчи хатги-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

-газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишига ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланмиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёқул газни талон-тароаж қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмади.

6.2. Тармоққа қайта уланмишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчида базавий ҳисоблаш миқдоринингун баравари миқдорига ҳақ ундирилади. Шартномаданг 13.1.-бандга кўрсатирилган ҳолатларданг бундан мустақило.

6.3. Газ истеъмолчи ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТҲХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбурий:

- ўзига қарашил бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий қўздан кечирмиш;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларини, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камда уч бил мобайнида ўзида сақлашнинг таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатылган ҳолатлар содир этилганда ва ушбу ҳолатларни бартараф этилувигига қагар табиий газ таъминотини қўшимча оғоҳланттиришларга тармоқдан ўтириш;
- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари молдий бойликларнинг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳукукни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
- қонунда назарда тутилган тарғибли монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;
- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;
- овақат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
- исенк сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;
- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мўздат ичда алмаштириш;
- Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбурийларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 7.2. Етказиб берувчидан хукукларга эга:
 - техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тарғибли хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқарттириш ёки тўхтатиш;
 - газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улашни ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тарғиблига газ тармоқидан узиб қўйиш;
 - Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этилиши талаб қилиш;
 - табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;
 - газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзга келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғоҳланттирмастан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чекаш;
 - ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондаларлар бартараф этилувигига қагар аввалдан оғоҳланттирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.
- 7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:
 - ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далоятномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасига Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонни архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
 - газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
 - газ ҳужжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техниксизлашдан соз ҳолатга сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳамда газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз улашилларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам ривашида қўздан кечтириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициқланмаган, газништириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланishiга йўл қўймастик;
- газ етказиб берувчи вақиллари ва "ўзнефгазспекция" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини қонунинг истагани вақтида эркин қўздан кечтиришни таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригаллар ёки ҳодим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмастик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймастик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;
- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.
- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПГХНАТ-АСКУ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш.
- 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳукукига эга:
 - етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
 - табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда улаштириш;
 - табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
 - табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
 - табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
 - газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.
- Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Етказиб берувчи/Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тулик етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган молдий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тарғибли қоплайди.
- Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тулик етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:
- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
 - б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда,
 г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганлида;
 д) мажбуриятнинг 2.5 ва 6.1 бандларида кўрсатилган ҳолатларда,
 8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдорда жарима қўйилади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик торитувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўйилмайдиган, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;
 б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
 в) кичи даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганлида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган корхоналардан ташқари);
 г) шартномаасосида Истеъмолчи томонидан ўз ниммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиғий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи/Истеъмолчига муқддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўланади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муқддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муқддати ўтган ҳар бир кун учун муқддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, бироқ муқддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартлари ва талабларни талбиқ этилишини ифодалайди ва қафолайди.

9.2. "Истеъмолчи" Етказиб берувчи"га мажбурият шартнома доирасида қуйидагиларни қафолайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз ниммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муқддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вақиллари), истеъмолчи маифеатлари учун агент ёки вақил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қовдга кўра, уларни судга хал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайдиган, қонунида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиғий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида ва газ казичиларида жойларда қўйилмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиғий офатлар, хусусан, сел, ёғир, сув тошқини, ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳуқуқат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмайдиган қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзга келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа военотаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музоқаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ҳазратчилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган қушдан бошлаб кучга кирди.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муқддатга тузилган. Шартноманинг муқддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муқддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили "2022" йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича дарёвлари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июлдаги "Табиғий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида"ги №6010-сон Қарори қабул қилиниши муносабати билан Табиғий газни улутража истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура хуқуқидоғи Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нускада тузилган, иккала нуска ҳам бир хил юридик кучга эга.



21.01.2022 даги

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ ва Хатирчи тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ўртасида 1498860,00 сўм умумий суммага тузилган 8-22/22- сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб _____ 250
Шахсий ғазна ҳисобварақ _____ 100022860122517042133250001

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | сўмда |
|------------------------|--|--|--|---------------------|
| | 4222000 | | | Жами |
| Январь | 499 620,00 | | | 499 620,00 |
| Февраль | 499 620,00 | | | 499 620,00 |
| Март | 499 620,00 | | | 499 620,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Жами йил бўйича | 1 498 860,00 | | | 1 498 860,00 |

Жами 1498860,00 сўм

Бир миллион тўрт юз тўқсон саккиз минг саккиз юз олтмиш сўм
00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 1 498 860 сўм ёки 100 % *** шартноманинг умумий суммасидан 100 % ***2022 йил январь, февраль, март ойларида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100 % жорий ойнинг 30 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



Буюртмачи бош бухгалтери

Тўраев Шокир Ғайбуллаевич

(имзо)

Ф.И.Ш.

Холдорев Васлиддин Бегмаматович

(имзо)

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

(имзо)

« ___ » _____ 20__ й.

« ___ » _____ 20__ й.